

**ХАТБ «Туркистан»
Акциядорларининг
2016 йил 17 июндаги
умумий йиғилишида
тасдиқланган**

**«ТУРКИСТОН» ХУСУСИЙ
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ
КОДЕКСИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур ХАТБ “Туркистон” (кейинги матнларда Банк деб юритилади) Корпоратив бошқарув кодекси (кейинги матнларда Кодекс деб юритилади) Банкнинг ҳаққоний ва очик бизнес юритиш тарафдори эканлигини намоён қилган ҳолда ихтиёрий равища амал қилувчи тавсиялардан иборат.

2. Кодекс Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларига асосланган.

3. Мазкур Кодекс мақсадларида корпоратив бошқарув деганда, Банк фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Банкнинг Бошқаруви, Кузатув Кенгashi, акциядорлари, меҳнат жамоаси вакиллари, бошқа манфаатдор томонлар ва кредиторлар ўртасида мазкур шахслар манфаати уйғунилигига эришиш тизими тушунилади.

4. Кодекс Банкнинг бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат.

5. Кодекс ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига оловчи ҳамда Банкни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган.

6. Кодекс тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

7. Банк Кодекс тавсияларини жорий этиш юзасидан ўзининг тармоқ хусусияти ҳамда фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ички корпоратив хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

8. Кодекс тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва унга риоя этиш тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Банкнинг интернет тармоғидаги корпоратив веб-сайти (кейинги матнларда Банк сайти деб юритилади) ва фонд биржаси сайтида, шунингдек, қонун хужжатларида ахборотларни ошкор қилиш назарда тутилган бошқа манбаларда амалга оширилади.

9. Кодекс тавсияларини жорий этишга тайёргарлик кўриш, уни жорий этиш ва мониторинг қилишдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги 1-иловада келтирилган.

10. Банк Кодекс тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиши тўғрисидаги ахборотни 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ хабарни эълон қилиш йўли билан ошкор этади.

11. Кодекснинг муайян тавсияларига риоя этиш имкони мавжуд бўлмаганда, Банк “comply or explain” (риоя қил ёки тушунтир) халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда унинг сабабларини тўлиқ ошкор этади.

II. ФАОЛИЯТ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

12. Фаолият очиқлигини таъминлаш мақсадида Банк:

ахборотларни банк сири ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини белгилайди;

ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг Банк сайти ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда давлат тилида, инглиз, рус ва акциядор ҳамда бошқа манфаатдор томонларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга қулай бўлган бошқа тилларга таржимаси билан биргаликда эълон қилинишини таъминлайди;

акциядорларнинг умумий йиғилишида ижроия органининг мукофот ва компенсациялари микдорини ошкор этади;

Банк сайтида ижроия органи ва унинг фаолияти самарадорлиги баҳоси, акциядорлик капитали таркиби (20 фоиздан зиёд акцияга эга акциядорлари) тўғрисидаги маълумотларни эълон қиласди;

тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар микдорининг асосланганлиги, уларнинг Банк дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланганлиги, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Банкни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилганлиги ва иқтисодий асосларини эълон қиласди;

акциядорлар талабига қўра имкон қадар қисқа муддат ичидаги акциядорлар ва инвесторларга зарур бўлган муайян (Банк ва тижорат сири бўлган ахборотлардан ташқари) ахборотларни тақдим этади.

13. Ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида Банк Кузатув Кенгashi ўз ичига қуидагиларни олган “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлайди:

Банк томонидан очик ахборотларни ошкор қилиш мақсад ва принциплари;

Банк сайтида ошкор этилиши шарт бўлган ахборотлар рўйхати, уларни ошкор этиш муддати, тартиби ва шакли, шу жумладан, улар ошкор этиладиган ахборот каналлари;

Банк тўғрисидаги ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни эълон қилиш бўйича ижроия органининг мажбуриятлари;

Банк бошқарув органи аъзолари, мансабдор шахслар, Банк ходимларининг акциядорлар ва инвесторлар, бошқа манфаатдор шахслар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ахборот алмашинув тартиби;

Банкнинг ахборот сиёсатига амал қилишини назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар.

14. “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низом Банк бошқарув ва назорат органлари ҳамда ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган хужжат ҳисобланади.

III. САМАРАЛИ ИЧКИ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

15. Самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш мақсадида Банк:

“Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низомда унинг таркибига мустақил аъзоларни киритиш талабларини акс эттиради;

Кузатув Кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳукуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун хужжатларида белгиланган доирада, бу ҳакда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда беради;

акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан, ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Банк ривожланиши мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказади;

Банк самарали ички назорат тизимини жорий қилишнинг асосий мақсадини барча акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни белгилайди;

акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига ижроия органи томонидан Банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган аффилланган шахслар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши юзасидан битимларни аниқлаш масаласини киритилишини таъминлайди;

Банкнинг ички аудит хизматига ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Банкга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш ваколатини беради;

Банк таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўзининг вакилларини Банк номидан овоз бериш тартибини белгилайди;

Банк акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бўллетенъ нусхасини олиш имконини беради;

Банк ижроия органидан мунтазам равишда Банк таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисидаги ҳисботни талаб қиласди;

Банк ички назорат органлари (тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг Кузатув Кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши, миноритар акциядорлар қўмитаси (агар мавжуд бўлса) ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

16. Банкда самарали ички назорат тизимини жорий қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши “Ички назорат тўғрисида”ги Низомни тасдиқлайди. У қуйидагилардан иборат бўлади:

Банкнинг ички назорат органи таркибига ҳамда унинг аъзолари малакасига талаблар;

ички назорат тизими тўғрисидаги ҳисобот таркиби ва уни шакллантириш регламенти;

Банк ички назорат органи тизими самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилиш тартиби;

Ички назорат органи ишини мониторинг қилиш механизмлари тавсифи, унинг аъзоларига тўланадиган компенсация ва мукофот пулларини ҳисоблаш тартиби.

17. “Ички назорат тўғрисида”ги Низом Банк ходимлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари учун риоя этилиши мажбурий бўлган хужжат ҳисобланади.

18. Акциядорлар “Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ, Кузатув Кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо уставда қўзда тутилган Кузатув Кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритади.

19. Қўйидаги шахслар Банк Кузатув Кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин:

(I) сўнгги беш йил мобайнида Банк, унинг шўъба ва аффилланган корхоналарида ишламаган шахслар;

(II) Банк, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари акциядори бўлмаган шахслар;

(III) Банк, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари билан қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг баравари миқдоридан юқори суммага тегишли шартномага эга бўлган йирик мижозлари ёки мол етказиб берувчилари билан боғлиқ бўлмаган шахслар;

(IV) Банкга, унинг шўъба ва аффилланган корхоналарига хизмат кўрсатиш юзасидан шартномага эга бўлмаган шахслар;

(V) Банк, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари раҳбарлари бўлган ёки сўнгги беш йил мобайнида шундай лавозимларда ишлаган шахснинг оила аъзоси бўлмаган шахслар;

(VI) Банкни назорат қилувчи шахс (ёки Банк устидан жамоа тарзида назорат олиб борувчи гурух ва/ёки ташкилот аъзоси) бўлмаган шахслар;

(VII) Банк билан фуқаролик-хукуқий шартнома орқали боғлиқ бўлмаган ва Банкнинг соҳаси бўйича юқори турувчи ташкилоти (компания) ёки йирик акциядорининг ходими бўлмаган шахслар.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

20. Акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлаш учун Банк бошқаруви ва назорат органлари:

Банк сайтида ёзма ва электрон сўровларни, шу жумладан, акциядорлар ўз алоқа маълумотлари ва банк реквизитларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни юбориши учун манзил кўрсатган ҳолда акциядорларга Банк билан боғланишни соддалаштиради;

акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш имонияти ва шароитини яратади;

Банкнинг дивидендларни хисоблашнинг шаффоф механизмини очиб берувчи “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низомини ишлаб чиқади;

“Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомда умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби, шу жумладан, Кузатув Кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этишни назарда тутади;

саноқ комиссиясига амалий ёрдам кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил эксперктларни жалб этиши мумкин (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси);

акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик учун масъул ходим ёки бўлинмани белгилайди;

уставда Банкнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларига Кузатув Кенгashi мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш хукуқини тақдим этади;

Банкнинг алоҳида ички хужжатида акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар учун овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш имконини назарда тутади;

Банк маблағлари хисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини таъминлаш харажатини қоплайди (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда);

уставда миноритар акциядор хужжатларни асоссиз равища талаб қилиш ва банк сири ахборотлари, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Банк бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қиласлигини назарда тутади;

уставда қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав капиталидаги улушига пропорционал равища имтиёзли сотиб олиш хукуқи назарда тутилади;

барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар бир хил муносабатни таъминлайди;

уставда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби учун таклифларни тақдим этишнинг кечроқ муддатини кўзда тутади;

ижроия органи, Кузатув Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, аудиторлик ташкилоти вакилининг акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этишини таъминлайди;

“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомда кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажаришдан озод этилиши шартларини, Банк кузатув кенгаши раисининг йиғилишни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолияти тартиби ва функциясини назарда тутади;

Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган бошқа зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

21. Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлаш учун Банк юқорида қайд этилган тавсияларни акс эттирувчи зарур ички хужжатларни қабул қиласди.

V. УЗОҚ МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

22. Узоқ муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш учун Банк бошқарув органи:

Банкнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ва банк хизматлари рақобатдошлигини оширишни, дастурний таъминот ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди;

акциядорларнинг умумий йиғилишида тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиқсан ҳолда Банкнинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

хорижий тажрибада муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув услублари, шу жумладан, SWOT, GAP таҳлил ва бошқа ёндашувлар, маҳсус дастурний маҳсулотлар ва бошқаларни кенг қўллайди;

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режалар ишлаб чиқади ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув Кенгашига тасдиқлаш (маъқуллаш) учун киритади;

Банкда қабул қилинган ҳар бир ривожланиш режаси бўйича белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган сон ва сифат мезонларини жорий этади.

23. Кузатув Кенгаши ижроия органи, Банк ички назорат органи, Банкда ташкил этилган коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, Банк ривожланиш режасини ишлаб чиқиши ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этади.

24. Банк мажбурий равишда акциядорлари таркибига (қонун хужжатлари белгиланган ҳолатлардан ташқари) Банкни бошқаришда иштирок этувчи стратегик хорижий инвесторларни жалб қиласди.

VI. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ АКЦИЯДОРЛАР ВА ИНВЕСТОРЛАР БИЛАН ЎЗАРО САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

25. Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмини жорий этиш учун Банк бошқарув органлари:

Банк акциядорлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди;

Банк мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонун хужжатлари, Банк устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни вижданан ва оқилона бажариши тўғрисидаги талабларни жорий этади;

Кузатув Кенгаши аъзолиги учун номзодларга малака талаблари (устав капиталида давлат улуши бўлган тақдирда) Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестати мавжудлиги талабларини белгилайди (қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари);

Банк Кузатув Кенгаши қошида Кузатув Кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Банк ходимлари ва четдан жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишли гурухлари) ташкил этади;

Кузатув Кенгаши йиғилишларини сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш ҳолатлари ва тартибини белгилайди;

акциядорлар умумий йиғилиши раиси ваколатига акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғида намойиш этишига рухсат бериш масаласини киритади;

Кузатув Кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк устави ва ривожланиш режаси томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз

бажарилиши учун ижроия органи ваколатига кирувчи масалаларни у томонидан мустақил ҳал этиш талабини жорий этади;

Банк мансабдор шахсларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали оширади;

Банк фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва Кузатув Кенгашига ҳисбот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозимини жорий этади;

Банк бизнес хатарлари ва ижроия органлари жавобгарлигини суғурталайди;

Кузатув Кенгаши аъзоларининг мукофот пули миқдорини Банк молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари билан боғлайди;

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисбот берувчи Банк бошқарув ва назорат органлари маъruzalari (ҳисботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилайди;

акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқини чеклаши мумкин;

уставда одатда навбатдаги акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санасини назарда тутади.

26. Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмларини жорий этиш учун Банк юқорида қайд қилинган тавсияларни акс эттирувчи зарур ички хужжатларни қабул қиласди.

VII. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ

27. Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ва низоли вазиятларни бартараф этиш учун Банк ўз ичига қўйидагиларни олувчи “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқади:

Банк мансабдор шахсларининг Банк манфаатини кўзлаб фаолият юритиш мажбурияти;

Банк мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

Банк мансабдор шахсларининг Кузатув Кенгашини манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши тўғрисида хабардор қилиш мажбурияти;

Кузатув Кенгашининг рухсатисиз Банк мансабдор шахсларининг бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишини таъқиқлаш;

Банк мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар

қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш;

манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал этишнинг, шу жумладан, уларни ҳал этиш учун манфаатдор бўлмаган учинчи шахсни тайинлаш ёки манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш бўйича ваколатни Кузатув Кенгашининг мустақил аъзоси (аъзолари)га юклашнинг батафсил регламенти.

28. “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

VIII. НАМУНАВИЙ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

29. Намунавий ташкилий тузилмани жорий этиш учун Банкда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонида тасдиқланган намунавий ташкилий тузилмага мувофиқлик таъминланади;

ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш ва жорий этишда Банк фаолиятининг миқёси, тармоқ хусусияти ва йўналиши ҳисобга олинади;

Банкнинг амалдаги ташкилий тузилмаси қонун хужжатларида белгиланган намунавий ташкилий тузилмага мувофиқлигининг мунтазам баҳоланиши ташкил этилади;

Банкнинг бошқарув лавозимларига хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда ҳар йили танловлар ўтказилади;

раҳбар лавозимларга танловлар регламенти тасдиқланиб, унда танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилади.

30. Кузатув Кенгаши ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

IX. АХБОРОТЛАРНИ АУДИТ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИШ

31. Ахборотларни аудит ва молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилиш учун Банкда:

Кузатув Кенгаши йиллик молиявий ҳисботларни Халқаро молиявий ҳисбот стандартлари (кейинги матнларда ХМҲС деб юритилади)

мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштиради;

Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботларни ХМҲСга мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш масалалари бўйича тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, Кузатув Кенгаши аъзолари, Банкнинг масъул мансабдор шахслари ва жалб этилган эксперталар (зарур ҳолларда)дан иборат ишчи гурухи тузилади;

Йиллик молиявий ҳисоботларни ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилишга ўтишда малакали хизмат қўрсатиш учун аудиторлик ёки консалтинг ташкилоти жалб этилади;

аудиторлик ташкилоти билан ҳамкорликда Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботларни ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилишга ўтишнинг босқичли алгоритми (тадбирлар режаси) ишлаб чиқилади ва Кузатув Кенгашининг йиғилишида тасдиқланади;

аудит ўтказиш ва молиявий ҳисоботларни тузишга жалб этилган Банк ходимлари ХМҲС ва аудитнинг халқаро стандартлари бўйича ўқув курсларида ўқитилади;

Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботларни ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича тегишли режада кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилади;

Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботлари ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилинади.

X. КОДЕКС ТАВСИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МОНИТОРИНГИ

32. Кодекс тавсияларини жорий этиш мониторингини амалга ошириш учун Банк корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказади, бу ишни амалга ошириш учун мустақил ташкилотни жалб қилиш тавсия этилади.

33. Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш йилига камида бир марта ўтказилади.

34. Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Банкга мулкий муносабат орқали боғлиқ бўлмаган ташкилот билан тегишли шартнома асосида амалга оширилади.

35. Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни қуидаги ташкилотлар ўтказиши мумкин:

фонд биржаси;

қимматли қофозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;

штатида тегишли корпоратив бошқарувчи ёки қимматли қофозлар бозори мутахассиси аттестати бўлган аудиторлик ташкилотлари;

аккредитациядан ўтган рейтинг агентликлари;

Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази;

Хусусийлаштириш, рақобатни ва корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммолари тадқиқотлари маркази.

36. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш Банк Кузатув Кенгашининг қарори бўйича танлов асосида ўтказилади.

37. Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланадиган саволнома асосида ўтказилади.

38. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари Банк сайтида шундай баҳолашни ўтказган ташкилот хулосаси билан биргаликда эълон қилинади.

39. Давлат номидан акциядор сифатида иштирок этувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимликлари ва бошқа давлат ташкилотлари:

Банкда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни ўтказиш учун ўз маблағи ҳисобидан мустақил ташкилотни жалб қилиш хуқуқига эга;

Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини Банк бошқарув органида улар номидан иштирок этаётган шахсларни мукофотлаш миқдорини аниqlаш учун қўллади.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

40. Кодекс тавсияларига риоя қилмаслик давлат органлари томонидан чора қўлланишга олиб келмайди.

41. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банк мансабдор шахсларига Кодекс тавсияларига риоя этмаганлик ёки Кодексда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатишга ҳақли.

42. Банкда Кодекс тавсияларини жорий этиш юзасидан назорат қилишни Кузатув Кенгashi амалга оширади.

Корпоратив бошқарув
кодексига 1-илова

**Акциядорлик жамиятларига Корпоратив бошқарув кодексини
тайёрлаш ва жорий этиш бўйича
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Босқичлар

Субъектлар

Тадбирлар

**Бажариш
муддатлари**

Тайёргарлик 1-босқич	Банк Бошқаруви	1. Корпоратив бошқарув кодексини жорий этишга тайёргарлик кўриш бўйича ишчи гурухини ташкил этиш.	Корпоратив бошқарув кодексини қабул қилгандан кейин бир ой мобайнида
	Банк Бошқаруви	2. Ички хужжатларни қабул қилиш юзасидан кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш.	Ишчи гурухи ташкил этилгандан сўнг икки ой мобайнида
	Банк Кузатув Кенгаши	3. Ишлаб чиқилган ички хужжатларнинг кузатув кенгаши томонидан маъқулланиши.	Материалларнинг кузатув кенгашига тақдим этилган санасидан бошлаб бир ой мобайнида

Жорий этиш 2-босқич	Банк Кузатув Кенгаши	1. Акциядорларнинг умумий йиғилишига корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш масаласини киритиш ва хабар бериш шаклини тасдиқлаш	Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан кейин бир ой мобайнида
	Банк Кузатув Кенгаши	2. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш ва хабар бериш шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорнинг акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши.	Кузатув кенгаши томонидан чақирилган акциядорларнинг тегишли умумий йиғилишида
	Банк Бошқаруви	3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган АЖда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш тўғрисидаги хабарни эълон қилиш.	Акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлангандан кейин 10 кун муддат ичидা

3-босқич Мониторинг	Банк Бошқаруви	1. АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш учун конкурс ўтказиш.	корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказишдан бир ой аввал
	Мустақил ташкилот	2. АЖда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни ўтказиш ва уларнинг натижаларини кузатув кенгашига тақдим этиш	Бир йилда камида бир марта
	Банк Кузатув Кенгаши	3. АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини АЖ кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш.	Кузатув кенгашининг йил якунлари бўйича ўтказиладиган йиғилишида
	Банк Бошқаруви	4. АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш.	Кузатув кенгаши қарорида белгиланган муддатларда
	Банк Кузатув Кенгаши	5. АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиш.	Қонунчиликда белгиланган муддатларда

Корпоратив бошқарув
кодексига 2-илова

**Акциядорлик жамиятлари томонидан Корпоратив бошқарув
кодекси тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилғанлиги түғрисида**

ХАБАР БЕРИШ ШАКЛИ

(акциядорлик жамияти номи)

ХАТБ “Туркистон” шуни маълум қиладики, акциядорлар умумий йиғилишининг “___” ____ 20__ йилдаги №____ қарори билан жамият томонидан “___” ____ 20__ йилдан бошлаб Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг “___” ____ 201__ йил №_____ баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

(Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан қўшимча маълумот)

МАЪЛУМОТ

Барча акциядорлик жамиятларида Корпоратив бошқарув кодексининг қоидалари ва тамойиллари устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 марта ПҚ-2327-сон қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан йил давомида амалга оширилади ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича комплекс таҳлил ва аниқ таклифлар ҳар бир молиявий йил яқунлари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари муҳокамасига киритилади.